



ЖАМИЯТ

№ 40 (717)
2020 йил
9 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Беҳбудий, Авлоний, Мунавварқори

Президент
уларни
мукофотлади

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

“Ибрат” фильмининг
ғояси-шундай

Одам бозори

Ўзбекистон Афғонистонда темир йўл қуради. Нега?



...Иллат излаганга иллатдур дунё

Газета ўқиш — зиёлилик белгиси



**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИНГ!**

“Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари” портали ишга тушади.



Беҳбудий, Авлоний, Мунавварқори

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан зиёлиларга қилган муурожаатида жадидчилик ҳаракати, шахслари ҳақида тўхталди ва «мамлакатимизда Учинчи Ренессансни ХХ асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди», деган фикрни айтиб ўтди. Менимча ҳам, тарихий вазият имкон берганида эди, уйғониш инқилоби амалга ошган бўлар эди. Бунинг изоҳини яна Президент сўзлари билан айтадиган бўлсак, «бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар».

Шавкат Мирзиёев ушбу муурожаати давомида уч нафар жадидни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганини билдирди. Туркистон жадидчилигининг йирик намоёндалари бўлган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоннинг истиқлол, озодлик, эркинлик учун қилган фидокорлиги, шу билан бир қаторда уларнинг «миллий таълим ва тарбия тизими»ни яратишдаги ҳиссаси учун ушбу юксак мукофот билан тақдирланганлиги ҳам айтиб ўтилади.



Яқин ўтмишда бўлган жадидчилик ҳаракати ва жадидларга қайтсак. Жадидчиликни ўрганиш, жадидлар ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тарғиб қилиш бўйича охириги илмий конференция бундан роса 21 йил аввал, 1999 йилда бўлиб ўтган эди. Ундан бироз кейин жадидчиликка қўйилган нораасий тақиқ бу соҳадаги барча ишларга нуқта қўйди. Ҳатто 5–6 йил олдин ҳам жадидчилик юзасидан ёзилган мақоламини 4–5 журналга олиб борганим, барчаси уни бир қоллига тушадиган «эскирган», «аҳамиятини йўқотган» деган важлар билан қабул қилганимиз эсимда. Яқиндагина, бундан бир ой олдин бир режиссёр билан суҳбатимнинг қай аҳволга келиб қолганимизни менга жуда яхши кўрсатиб берди.

Режиссёр пойтахтдаги ҳорижий олий таълим муассасалари биносида бир саҳнани тасвирга туширар экан, у ердаги талабалар, табиийки, қизиқиб, фильм ҳақида сўрай бошлади. Режиссёр фильм жадидлар ҳақида эканини айтганидан кейин талабалардан бири «ҳа, террористлар ҳақидами?» дейди. Биз қай аҳволга келдик ва бу аҳволга қандай тушдик, деган савол пайдо бўлади ўз-ўзидан. Бу бизнинг фожиями эмасми? Бугун биз иддао қилаётган «Янги Ўзбекистон» ёки «Учинчи Ренессанс» даврига пойдевор қўйилаётган экан, биз энг янги тарихимиздаги йўл қўйилган ҳатоларни қайта тақорламаслигимиз керак.

Жадидлар кимлар, улар қилган ишларни, ёзган асарларини, фикр ва ғояларини бугунги кунда оммалаштириш ёки уларни миллат қаҳрамонлари сифатида юксак унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлашимиз керакми? Уларнинг қайси қилган хизматлари учун миллат қаҳрамонлари деб билишимиз керак? Бу саволларга жавоб бериш осондек туюлмайди. Аммо уларнинг миллат келажиги, мамлакат тараққиёти ва, энг муҳими, унинг мустақиллиги, эрки учун қилган иш ва хизматларини кичик бир мақолада кўрсатиб бериш мумкин эмас. Шундай бўлса-да, қисқа-роқ тушунтиришга ҳаракат қи-

Президент уларни мукофотлади

либ кўраман. Жадидчилик ва жадидларнинг бугунги кунда ўрганилиши, менимча, керак эмас, балки зарур, ҳаводай зарур. Биз Учинчи Ренессансни «стратегик вазифа» деб қарасак, уни «миллий ғоя» даражасига кўтармоқчи бўлсак, жадидлар таъкидлаганидек, «ҳар ким ўзгариши керак». Аҳолининг барча қатлами, айниқса зиёлилар, мансабдор маъмурлар ўзгаришни ўзларидан бошламас экан, олдимишга қўйган стратегик вазифани уддалай олмаймиз.

Жадидлар ислохотни мактабдан, аниқроғи, бошланғич мактабдан бошлади. Бу бежиз эмас эди. Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамои Исмоил Гаспринский мусулмонларнинг маданий тараққиёти ва ривожига ҳақида сўз очар экан, бошланғич таълимни она тилида беришга мўлжалланган миллий мактабларнинг умуммиллий институтини яратишга қаратилган дастурни тақлиф этди. Ўзгариш беринг: бошланғич таълим боланинг она тилида берилиши керак. Яқин тарихдан хабардор бўлсангиз, сизга маълум: бундан 120–130 йиллар олдин ҳам мактабларда ўқитиладиган бирорта туркий тилдаги китоб мавжуд эмас эди. Барча дарс китоблари форс ёки араб тилида эди.

Жадидлар бола бошланғич саводини ўз она тилида чиқаришни унга миллат, миллият тушунчаларининг чуқурроқ сингдирилишини таъминлайди деб қаради. Ўз навбатида, Туркистон жадидчилигининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий эса қуйи ва юқори мактабнинг ислох этилиши миллатнинг ислох этилишига олиб келади, деб ҳисоблади. Унинг таъкидлашича, миллатнинг ислох этилиши миллий ғоя бўлади, уни барча тарғиб қилиши керак. Мана жадидлар тақлиф қилган миллий ғоя. Жадидлар «умуммиллий ғоя» моҳиятини тушунтирар экан, ушбу ғоя қолган барча ғоялардан юқори турини кераклигини таъкидлаган эди. Миллатни утулаш, мақсалларни юқори кўтариш, миллатнинг ҳақиқий бирлиги бу «умуммиллий ғоя»нинг туб моҳиятини ташкил этади. Бу ғоя миллатнинг келажакка интилиши ва ундан келадиган фойдасини акс эттириши лозим.

Жадид мактаби, бугунги истилоҳлар билан айтадиган бўлсак, инновацион ёки «смарт» мактаб эди. Унда жорий қилинган «товуш усули» бугунги таълим методикасининг асоси, керак бўлса тамал тошидир. Ислохотларнинг бошланғич мактабдан бошлангани ҳам бежиз эмас эди. Чунки мактаб қолган барча нарсанинг пойдевори, у мукаммал бўлмас экан, миллат тараққиёти ҳақида гапириш ҳам бефойда.



Жадидларнинг «умуммиллий ғоя»си тарғиботи учун миллий матбуот керак эди. Жадидлар ана шундай матбуотга асос солди. Жадид матбуоти том маънода фикр алмашши, илғор ғоя ва фикрларни тарғиб қилиш, баҳслашиш майдонига айланди. Жадид матбуоти том маънода демократик қадриятларни ўзида акс эттирган, фикрлар қарама-қаршичилигини кўтара оладиган, ижтимоий-сиёсий мавзуларда танқид қила оладиган матбуот эди. Туркистон жадидчилигининг йирик таққикотчиларидан Бегали Қосимовнинг фикрига кўра, жадидларнинг газета, хайрия жамиятлари таъсис этиш, янги усул мактабларини ёйиш, театр ишлари ва бошқа барча ҳаракатлари бир миллий ғоя учун хизмат қилди.

Миллий ғоянинг яна бир асосий тарғибот кўроли адабиётдир. Жадидлар бу воситадан ҳам жуда унумли фойдаланди. Жадидлар адабиётни халққа, оммага яқинлаштирди, унинг тилида ёзишга ҳаракат қилди. Ва бу ишни уддалади. Улар янги ўзбек адабиётига асос солди. Унга янги жанрлар — фельетон, ҳикоя, драма, қисса, роман ва бошқаларни олиб кирди ва бугунги кунда ҳам исталган бадиий асар билан беллаша оладиган юксак ижод намуналарини яратди. Албатта, ҳар нарсанинг биринчиси вақт ўтиши билан «ибтидоий»га айланиб қолади. Мен университетда жадид адабиётини дарс берган вақтларимда талабалар «Падарқуш» ҳақида «шу ҳам драмами, шу ҳам бадиий асарми?» деган гапларини кўп эшитганман. Бу мактаб таълими-

миздаги нуқсонлардан бири сифатида қабул қилиниши керак. Чунки биринчи яратилган нарсга ўз вақтида ўша соҳада туб бурилиш ясагани, самараси юқори бўлгани, унга давр нуқтаси назаридан қариниш кераклиги ҳақида ўқувчиларда тушунча йўқ.

Беҳбудий бошқик жадидлар ҳалқни исрофли тadbирлардан воз кечиш, уларга кетадиган маблағни иқтисодиётнинг барча тармоқларида миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида давлат таълим муассасаларида болалар ўқишига йўналтиришга даъват этди. Беҳбудий бу ҳаракатларини «умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳишлар ва интилишлар», деб атади. Олий мақсадлар, хоҳиш ва интилишларни амалга ошириш учун эса ирода, аниқроқ айтадиган бўлсак, сиёсий ирода керак эди.

Абдурауф Фитрат туркистонликларга савол билан муурожаат қилди: «Ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни хотирга келтирмаймизми? Наҳотки биз қисматгача ўзимизнинг жоҳиллигимизни тушуна олмасак ва сабабларини қидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?» Атрофингизга бир назар солинг, Фитрат ўртага ташлаган саволни бугун ҳам шу шаклда беришимиз ўринлими? Албатта, ўринли деб жавоб беришингиз аниқ. Чунки бизнинг дунёқарашимиз замонавий тараққиёт ривожига мос тарзда ўзгариб боришига қарамай, кўп ҳолларда ҳали-ҳануз фўққлаш тарзимиз бир аср олдин қандай бўлса, ўшандайлигича қолгандай.

Жадидлар, Шавкат Мирзиёев таъриф берганидай, «Илмдан бошқа нажот йўқ» бўлиши ҳам мумкин эмас» деган ҳадиси шарифни ҳаётий этиқоли деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаронлиликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар».

Яна шунини таъкидлаш керакки, бугунги даврда Ўзбекистонда мустақил фикрига эга миллатпарвар авлодни етиштиришда жадидчилик тарғиб қилган ғоялар жуда муҳим ва долзарблгини йўқотмаган. Шу сабабдан ҳам уларнинг ғоявий мероси «биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак».

Ўзбек жамияти, қолаверса, ҳукумат жадидчилик ҳаракати ва жадидларнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодий меросини кенг ўрганишга бошчилик қилиши зарур деб ўйлайман. Чунки жадидчилик ҳаракати ва жадидлар замонавий ўзбек жамияти ва давлатчилиги шаклланишига муносиб ҳисса қўшди; жадидларнинг илмий ва ижодий мероси бугунги авлод тарбиясида муҳим ўрни тутайди ва уларда акс этган ғоялар долзарблигини йўқотган эмас.

Зайнобиддин АБДУРАШИДОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
илмий ишлар бўйича проректори,
жадидчилик бўйича мутахассис

Тошкент вилоятида ТАТУ филиали ташкил этилади.



Газета ўқиш — зиёлилик белгиси

ёхуд нашр номи “БРЕНД” га айланиши керак!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда ёшлар тарбиясида бошқа муҳим жиҳатлар қаторида матбуотнинг ҳам ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб, жумладан: “Шундай аянчли ҳол келдики, ҳатто, айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолдилар. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, телефонимда ҳаммаси бор деб. Йўқ, газета ҳам, журналлар ҳам ўқиш керак, бу замон талаби!” деди.

Бугун Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторида оммавий ахборот воситаларига эътибори ва эҳтиёжи жуда катта. ОАВнинг босма йўналиши эса ҳалигача долларблгини йўқотмаган. Кўпга газета ва журналларга эгамиз, давлат тасарруфидоги деймизми, нодавлат ёки хусусий матбуот деймизми — барчаси бизда мавжуд. Фақат бу газета-журналлар янгиланаётган Ўзбекистонда ўз мавқини, рақобатбардошлигини, молиявий томондан ўзини таъминлай олишини вақтнинг ўзи кўрсатиб беради. Мажбурий обуна чекинганидан сўнг (бутунлай эмас) кўпга нашрлар ўз фаолиятини тугатганига гувоҳимиз, боши берк кўчага кириб ҳар ёнга типричланганларни ҳам кўрдик. Лекин сўнгги йилларда танқидий фикрларни атрофга шамолдек эсиши натижасида босма нашрларнинг, айниқса газеталарнинг материалларни тақдим қилиш суръати бирмунча ўзгарди. Тезкор янгиликларни бериш вазифасини интернет нашрлари ўз қўлларига олган, босма нашрлар танқидий-таҳлилий мақолалар, публицистик жанрларни, ҳукумат қарори ва лойиҳаларини кенг тарғиб қилишни илгари сурди. Ўз-ўзидан савол туғилади: нима олдинлари газеталарда бундай мақолалар берилмаганми? Албатта, берилган. Айнан шу жиҳати билан босма нашрлар йўқолиб кетишдан ўзларини сақлай оладилар.

Фарзандларимизни боғча, мактаб, коллеж-лицейларга нима мақсадда берамиз? Саводли бўлиши, соғлом фикрлаши, жамиятда ўз ўрнини топиши, энг кераклиси ўзини англаши учун берамиз. Буларнинг замирида эса китоб туради. Бу занжир бизга қанчалик керак бўлса, босма нашрлар ҳам шунчалик жамиятга зарур. Нашрларни ўқитиш қилиш, фикрлашга ўргатиш, оқ-қорани борица кўрсатиб ҳолис ахборот узатиш ҳар қандай зиёли инсоннинг олдида турган ноёб китобга ўқийди. Бошқача айтганда, саклаб қўйиш, вақт ўтиб ундан фойдаланиш имкони юқори. Матбуотнинг нима учун афзаллигини билдик, лекин унинг қачонлик-лари-чи? Қозоғга чиқадиган материалларни битта фerosат “сканер”дан ўтказиб босилса, лотин ёзувигача ўтилса, қолган дизайн ва ҳарф териш билан бўладиган қачонлик бартараф қилса бўладиган ишлар.

“Матбуот яшаб қолашим ёки таназулға юз тутадими?!” деган фикр соҳа мутахассисларини ўйлантираётгани бор ҳақиқат. Ижтимоий тармоқларда “калам”, “камера” ва “тўр” ўртасида турли фикрларни ўқиямиз. “Катталар” лаҳнаки жанрларини кузатишимиз. Эскисини ўрнини янгиси эгаллаганидек “матбуотнинг ҳам келажаги йўқ” қабилидаги фикрлар телевидение ва радио замонларида ҳам айтилган, рақамли технологиялар кириб келган вақтларда ҳам айтилди. Хайли бўлсинки, матбуот ҳали яшамокда. Кимдир бунинг ривожланиши тарафдори, яна кимдир воз кечиш томонда. Тўғри, телевидение, радио, интернет замон талаби. Ахборот узатишда тезкордир, жонли беришда қобилиятлидир. Бироқ матннинг ўз ўрни бор, у онни бошқаради. Кўзимиз тералган ҳарфлар ақлимиз тарозисида ўлчанади. Таҳлилий-публицистик жанрлар бўлмаса тафаккуримиз оқсайди. Таҳлиллар аудиовизуал тарзда бўлса ҳам бўлади-ку, деган савол бўлиши мумкин, аммо сўз қудрати, сўз кучига ҳеч нарса етмайди. Қолаверса, узатилган материални аудитория қабул қилиш йўли мавжуд, яъни кимдир кўриб туриб ўйлаши, фикрлаши мумкин, бошқаси ўқиб мулоҳаза қилиши мумкин.

Бирор нима яратилгани унинг ўрнига бутунлай бошқа нарса ишлатилмайди, унинг негизиде янгиланган, қайта ишланган, ривожлантирилган нарса яратилади. Демак, матбуот ҳам янгилашишга муҳтож. Ҳозирда IT соҳа жуда ривожланган зўр дизайн усталарини топиш мумкин. Газеталар қозоғ(онлайн нашрлар ҳаммани ҳам қониқтирмайди) вариантла чиқиши керак, шу билан биргалликда уларнинг электрон шакллари бўлгани маъқул. Айниқса ҳозирги пандемия шароитида кўпчиликка бу қўл келади. Ўз сайтларини ёки ижтимоий тармоқда шу газетани “бренд”ини ташкил қилиш, “блог”ини юритиш газета-журналга қўшимча даромад келтиради. Матбуотта мустақиллик бериш керак, яъни ўзини-ўзи молиявий таъминлашига йўли қўйиб бериш зарур. Бу қандай бўлади? Соҳага бозор муносабатларига кириша оладиган, реал ва виртуал оламда яхши SMM (Social media marketing) билан ҳамкорликда ишлай оладиган мутахассисларни кенгроқ жалб қилиш керак.



Ҳозирда телеканал ва радиоларнинг тармоқларда саҳифалари бор, нима учун босма нашрларни бўлмаслиги керак?! Муҳими натижага эришиш, газета номини бренд қилиш (бунда газеталар лозим), “Instagram”, “Telegram”, “Facebook”, “Twitter”, “You Tube” сингари энг талабгор тармоқлардан фойдаланиш, ёйиш керак.

Муаммони кавлаштиравериб говакни катта-

Молиявий қўллаб-қувватланиш бироз бошқа томондан (ижтимоий тармоқлардан) бўлса, газета-журналларнинг кунини “мажбурий обуна”нинг тушумларига қолмайди.

Ҳозирда телеканал ва радиоларнинг тармоқларда саҳифалари бор, нима учун босма нашрларни бўлмаслиги керак?! Муҳими натижага эришиш, газета номини бренд қилиш (бунда газеталар номига ҳам эътибор қаратиш лозим), “Instagram”, “Telegram”, “Facebook”, “Twitter”, “You Tube” сингари энг талабгор тармоқлардан фойдаланиш, ёйиш керак. Чунки қанча кўп кузатувчиларга эга бўлса, шунча кўп фойда кўраверади.

си ёзилганини) кўрса, унда яна ёзишга иштиёқ пайдо бўлади. Мақтаниб тенгдошларига кўрсатганда, бошқаларда ҳам қизиқиш уйғота олади. Унутман! Фарба газетани қўлга олиб ўқиш ҳавас эмас, зиёлилик белгиси!

Нодира СУЛАЙМОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Муҳокама

Унинг Телебой ва Теветбой исмли ҳамма ерда сўзи ўтадиган бадавлат ўгиллари, Радиоҳоним, Рекламахоним исмли келинлари, Интернет, Соцсетъ, Матхизмат деган набиралари бор. Ўғли Телебой уч қаватли, атрофи боғ билан ўралган чиройли ҳовлида Радиоҳоним билан умргузаронлик қилади. Теветбойнинг давлати ҳам Телебойниқидан кам эмас, ажойиб коттежда Рекламахоним билан топаётган даромадларидан бахтиёр ҳаёт кечиршишмоқда.

“Зора, ота яна оёққа туриб кетса...”

Интернет билан Соцсетъ пойтахтда, осмонўпар иморатларда маза қилиб яшаяпти. Матхизматнинг ҳам ошиги олчи, ташкилотларнинг энг чиройли квартираларини эгаллаб олган, уни давлат “служебика”лар билан таъминлаб қўйган, муаммоси йўқ.

Телебой ва Теветбой энг сўнгги русумдаги машиналарини гизиллатиб, у ёқдан бер ёққа кўча чангитиб ўтиб қайтишди. Ҳатто, қўл остидаги ходимлари ҳам пиёда юрмайди, ёғи остида “Дамас”. Бироқ 100 га кирган нуруйи отага ҳеч қим эътибор бермай қўйди. У нукул пою пиёда, ҳасса таянганча инқилаб-синқилаб, ўнқир-чўнқир йўллардан юриб боради. Бола-

лар ва набиралар ўз ташвиши билан банд. Ижарама-ижара кўчиб юравериш, ҳолдан тойган отани эслашмайди ҳам. Эсланида эса ҳаммасига ўзи айбдор, ҳаққини талаб қилмайди, деб қўл силкиб қўйишди. Отаҳон ҳали у, ҳали бу ташкилотнинг ис бостан хоналариде ижарада яшайвериш, уй эгаларининг қош қовонига қарайибериш, ҳайдаб чиқармасмикан, деган ташвишда доим юрагини ҳовучлаб юради.

Ҳозир яшаётган унинг эгасидан ижара қарзлари ҳам кўпайиб кетди. Тулашга имкони йўқ, Чунки қилган меҳнатига яраша ҳақ ололмапти. Меҳнатининг ҳақини беринлар, деб қўлини узатса,

Тошқонда туриб бувасига ақл ўргатадиган, уни ноқобилдан олиб, ношудга соладиган, устидан ювунди ағларадиган, тириклайин гўрга тиқишга тайёр Интернет ва Соцсетъ набиралари бор. Лекин отаҳон бу набираларидан сира хафа бўлмайди. Нима бўлса ҳам ўз қонимдан бўлган, ҳали ёшда, вақти келса, қуйилар, мен босиб ўтган йўлни босиб ўтса, улар ҳам мендек оғир, вазмин, мулоҳазакор бўлар, етти ўлчаб бир кесиниши ўрганар деб, ўзига таскин беради. Бироқ набиралар шаталоқ отиб, бувасининг устидан қулишни қўймайди.

Хуллас, 100 дан ошган ота мана шундай бечораҳол вазиятда ўз ёғига ўзи қорилиб, ҳаётини бир амаллаб ўтказмоқда. Нима қилсин, осмон узоқ, ер қаттиқ. Ҳозир у ўлим тўшағида дард чекиб ётибди. Қани, кимдир хабар олармикан деган ниятда уззуқун эшикка термулади. Афсус, тиқ этган сало йўқ. Отани оёққа турғизадиган нажоткор қачон ўз ишини бошлар экан, деб кутиб ётибди. Кеча ўқитувчи ва мураббийлар кунида шу нажоткор бирозгина отани эслаб, ўтгани юрагига қил қувват берди. Энди амалий ишлар бошлана-ю, ота яна оёққа туриб кетса...

Нима бўлганда ҳам кечир бизни, отаҳон — Босма нашр!

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
журналист



Туризм соҳасидаги тадбиркорлар харажатларининг бир қисми компенсация қилинади.



Абдурашид Сайфуллаев 1949 йилда Нуротанинг (ҳозирги Кўшраб) Болғали қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини тумандаги 82 ўрта мактабда лаборантликдан бошлаган. 1971 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтини тугатган. Каттақўрғон шаҳар савдо корхонаси товаршуноси бўлган. Нурота, Кўшраб, Иштихон туманларида узок йиллар савдо соҳасида раҳбарлик қилган. Мустақиллик даврида туманда “Бегам бобо” фермер хўжалигини ташкил этган. Айти пайтда ушбу фермер хўжалиги раҳбари.

Саховатпеша Сайфуллаевлар сулоласи



савдо соҳасида ишлади, раҳбарлик қилди.

— Отам оддий чўпонликдан иш бошлаган, — дея болалик даврини эслайди Абдурашид ака. — Даштда қўй боқиб, чўпонлик қилаётган пайтидаёқ билим олишга иштиғқи баландлиги, бу борадаги интилиши, ҳаракатчанлиги туфайли яхши инсонлар назарига тушади. Бу эса унга ташаббускорлик ва ташкилотчилик фаилатларини намоён этиш имконини беради. Аммо қўрилмаганда бошланган уруш отамнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У кўпга тенгдошлари қатори урушга отланади, қўлидаги чўпонлик тағини қурол билан алмаштиради.

Иккинчи жаҳон урушининг оловли жангдошларидан эсон-омон қайтган Сайфулла Бегамовга Нурота туманидаги Тельман номли колхоз раислигини ишониб топширишади. Бундай шараф, чўпонликдан раислик даражасига кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермасди. Аммо катта колхозни бошқариш, одамларга бошчилик қилиш ҳам осон иш эмасди. Урушдан тинкаси қуриб чиққан мамлакатнинг барча ҳудудида тикланиш ишлари даромат эттирилди, асосий юмушлар, қариялар, аёллар ва болалар зиммасида эди.

Ёшлигида уруш машаққатларига бардош берган раис оч ва юпун аҳолига, уруш туфайли яқинларидан ажралиб қолганларга ёрдам қўлини чўзарди. Шундай шароитда турмуш ўртоғи Музал она билан 4 ўғил, 4 қизни тарбиялаб, вояга етказди, колхоз ривожига, аҳоли фаровонлиги йўлида куч-ғайратини аямасди.

— Отамга тинч, фаровон ҳаётни қўриш ҳам насиб этди, — дея давом этади Абдурашид ака. — Биз фарзандларга меҳр берди, ўқитди, улғайтирди, қишлоқ оқсоқоллари, фаоллари сафида иззат-икромга эга бўлди. Ўз даврида мартаба, обрў-эътиборга эришган, оиласига доимий меҳрибонлик кўрсатган отам қариллик гаштини сурди. Кўпчиликка ибратли ҳаёт кечириб, табаррук 93 ёшида боқий дунёга рихлат қилди.

Мен ана шу инсоннинг фарзандиман. Ўзимдаги энг яхши фаилатларга, аввало, шу оилада, отам ва онам туфайли эга бўлдим. Меҳнатсеварлик, инсонийлик, элпарварлик туғилуғари оиламда қалбимга сингдирилди. Отам ва онам дилимни губорлардан, кўнглимни озорлардан сақлашди.

Абдурашид Сайфуллаев савдо соҳасидаги фаолиятини Каттақўрғон шаҳар савдо корхонасида бошлаган. Шу ердан ҳарбий хизматга қақрилади. Йигитлик бурчини ўташ даврида ҳаёлини “армияни тугатгандан кейин туғилган юртим — Кўшрабга бориб ишласам, халқимга бир фарзанд сифатида хизмат қилсам” деган фикрлар банд этган эди.

Яхши ниятни Аллоҳ ҳамшиша вожиб этаркан. Хизматдан сўнг Абдурашид Сайфуллаев “Кўшраб-1” ишчилар

кооперациясига раис ўринбосари этиб тайинланади. Бу пайтда у эндигина 24 баҳорни қаршилаган эди. Шу сабаб ҳам зиммадаги вазифани удалаш осон кечмайди. Чунки ўша даврларда бошқа соҳадаги сингари савдода ҳам барча ишлар олдиндан режалаштирилди, вазият тақозо этган ҳолларда ушбу режадан ташқари чиқишнинг асло имкони йўқ эди.

Ана шундай бир пайтда — 1978 йил март ойида Кўшраб тумани ташкил этилди. Туман раҳбарияти Абдурашид Сайфуллаевни матбуот уюшмаси раисининг савдонини ташкил этиш бўйича ўринбосари вазифасига тайинлади.

Янги туман, янги вазифа, ҳамма ишни янгидан йўлга қўйишдек масъулият бутун жамоа зиммасида эди. Каттақўрғон савдо корхонаси, “Кўшраб-1” ишчилар кооперациясида орттирилган тажрибалар шунда асқотди. Бир қанча қийинчиликларга дуч келинди-ю, лекин савдо ишлари қисқа вақтда ўз йўлига тушиб кетди.

Оралач уч йил ўтиб ишчан савдо ходими А.Сайфуллаевни уюшманинг раис лавозимига маъқул кўришди. Бу вазифада у 18 йил меҳнат қилди, доимо туман халқига сиққидилдан хизмат қилиш ҳаракатида бўлди.

— Ўша йилларда туманимизда 10 та ишчилар кооперацияси бор эди, — дейди Абдурашид ака. — Уларнинг ҳудудидagi савдо шохобчалари 300 га ққин, умумий овқатланиш корхоналари, ошоналар 50 дан зиёд бўлиб, ҳар бир қишлоқдаги савдо шохобчасида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган барча товарлар муҳайё этиларди.

Бундай савдо нуқталарининг жуда кўли “аралаш моллар магизини” деб аталарди. Улардан бирортасида, маҳсулотнинг узилишига йўл қўйилмас, ҳатто, игна тугаб қолса ҳам муаммоли масала юзага келарди. Харидорларнинг ҳар қандай товарга талабини, эҳтиёжини қондириш шарт эди. Буни бажариш вазифамиз, бурчимиз эди. Аммо у пайтлар ишлаш учун шарт-шароит етарли эмасди. Туман марказидаги ва туманлараро савдо базаларидан товар олардик. Аммо бундай идораларга бориб-келишнинг ўзи бир муаммо бўлса, раҳбарлари кўнглини топиш бошқа муаммо эди.

Бундан ташқари, ўша пайтларда давлат хўжаликлари — “совхозлар”да чорва моллари кўп эди. Биз тахминан 400 дан зиёд чорва отарлари ҳамда қорамолчилик фермаларига, бир-биридан узок жойларда, тоғ ёнбағирларида яшаб, меҳнат қилаётган чорваларни оилаларига қишу ёз қундалик эҳтиёж моллари — ун, ёғ, шакар, чой, туз, гуруч ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотларини, вақти-вақти билан кийим-кечаклар ҳам етказиб берад эдик.

Абдурашид Сайфуллаев узок йиллар

савдо соҳасида ишлади, раҳбарлик қилди. Ҳамиша иш фаолияти даврида ёшларга ғамхўрлик кўрсатди, уларнинг меҳрибон устозига айланди. Савдо ишини тубдан яхшилаш, янги савдо шохобчалари қуриш ҳаракатида бўлди. Мустақиллик даврига келиб, бундай эзгу мақсадларининг бир қисми амалга ошди. Лекин Абдурашид ака савдода ишлашига қарамай, ҳаёлини чорвачилик билан шуғулланиш нияти асло тарк этмасди. Чунки у ёшлигидан бу соҳани хуш кўрар, савдода раҳбарлик қилган йилларида ҳам ҳовлисига 50-100 бош қўй, 3-4 бош қорамол парваришини йўлга қўярди.

Ишчан савдо ходими Абдурашид аканинг отаси Сайфулла бобонинг урушда бўлгани, колхозга раислик қилгани ҳақида гапирдик. Бу инсоннинг ўз оиласида ҳам чорвага эътибор қилгани ҳақида кўпгина қўшрабтоқликлар ҳануз эслашади. Абдурашид аканинг хотирлашича, отаси пенсияга чиққанидан сўнг ҳам уйда 200 дан ортиқ қўйи бўлган. У қишлоққа яқин йилловларда фарзандларини эшақка мингаштириб, қўй ҳайдаб юрган. Ўша пайтларда айримлар ҳаттоки, “Сайфулла акага нима етишмайди, тинггина уйда ўтирса бўлмайди”, деган илмоқли сўзларни айтишган. Отахон бундай гап-сўзларга парво қилмайди. Ота-болалар қўй боққидан роҳатланишади, отахон шу баҳона кенг яйловда тоза ҳавода вақтини ўтказарди.

Пенсияга чиққанидан кейин Абдурашид ака ҳам отаси каби қўй боққига қарор қилди. Яна ўйладики, у пайтлар орзуининг амалга ошишига тўсиқлар кўп эди. Энг ачинарлиси, советлар мамлаката инсонларнинг кўпгина ҳуқуқларини еқлаб қўйгани, хусусий мулк деган тўшунча одамларнинг онгидан деярли чиқариб ташлангани.

“Энди эса мумкин”, ўйлади Абдурашид ака. — Мустақил Ўзбекистонда жуда кўпга, эзгу ишларни амалга оширишнинг имкони бор. Отам уйдаги қўйларни парваришлаш билан андармон эди. Мен учун эса бутунги давр фермер хўжалиги ташкил этишига йўл очаяпти”.

А.Сайфуллаев қалбида йиллар мобайнида асраб келинган ҳавас қатъий мақсадга айланди. 2012 йида у “Бегам бобо” фермер хўжалигини ташкил этди. Бу билан у бобоси номини аба-

дийлаштиришга ҳам имкон топди, туман тўқинчилигига ҳисса қўшишга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, айрим ночорларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришга, янги иш ўринлари яратишга бел боғлади. Кўп ўтмай, унинг икки отар қўйи яйлов безагига айланди.

Абдурашид ака бир умр савдо корхоналарида ишлаб, халқнинг хизматида бўлишга ўрганган эмасми, бу ерда ҳам юрт ташвиши билан яшагиси келди. Аввалига фермер хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини боғчаларга етказиб берди, бозорга чиқарди. Байрамлар арафасида эса кам таъминланган оилалар, кексалар, ногиронларга совға-саломлар улашиш, бир пиёла чой устида қариялар, хасталар, кам таъминланган оилалар кўнглини шод этиш каби табдирларда қатнашди. Қишлоғидаги мактаб ўқувчилари учун стипендия ташкил этди. Самарқанд шаҳридаги имконияти чекланган болалар мактабига ҳомийликни йўлга қўйди.

— Кўп йиллардан буён хайрли ишлар иштирокчиси эканимдан хурсанд бўлман, бу ҳолни сўз билан ифода этишим қийин, — дейди у. — Бундай даргоҳларга қанча хизмат қилсак камлик қилади. Ахир, ҳеч бир инсон ўзини болаларсиз, уларнинг бахту саодати учун хизмат қилишсиз тасаввур эта олмайди. Айниқса, имконияти чекланган болаларга меҳр-мурувват кўрсатишнинг аҳамияти, савоби беқиёс. Ўзим истиқомат қиладиган Болғали қишлоғидаги 5 умумтаълим мактабини ҳам оталиққа олдим. Китоб, ўқув қуроллари ҳаля этиб туришдан ташқари аълочи, фаол ўқувчиларни моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келаяпман.

Абдурашид ака фақат кам таъминланган, айрим ночор ҳаёт кечираётганларга кўмак бериш билангина чекланиб қолмайди. У ҳар йили қўтуғ саналарда туманда истиқомат қилаётган оқсоқолларни йўқлашни одат тусига киритди. Наврўз умумхалқ байрами, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини оқсоқолларсиз ўтказмайганин бўлди. Неча йилдики, у бундай қўтуғ саналарда тумандаги барча оқсоқолларни ўзининг Кўшработ марказидаги хусусий ошонасига бир пиёла чойга тақлиф этади.

Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 26 августдаги фармонига кўра, бир гуруҳ саховатли инсонлар “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини билан тақдирланди. Улар орасида Абдурашид Сайфуллаевнинг ҳам борлиги саховатпеша Сайфуллаевлар сулоласини, бутун кўшрабтоқликларни қувонтирди.

Абдурашид ака туман ҳокими Ҳимат Қўбўтаевнинг одамларга меҳрибонлиги, ишбилармонлиги ҳақида кўп гапирди. Раҳбар билан бўладиган ҳар бир суҳбат уни яхши ишларга, эзгуликларга бошлашини айтади.

— Бир гал ҳокимимиз даштда боғ яратишни тавсия қилди. Ўйлаб кўрсам, жуда яхши фикр эди. Ўзим учун ажратиб берилган 10 гектар майдонга турли хил мевали дарахт ниҳоллари қададим. Боғ атрофига бир эмас, олтига артезиан қудуғи қовлатдим. Бутун улардан чиқаётган сув нафақат дарахтларни, балки унинг атрофига экилган экинларни сугоришга ҳам етаяпти.

Оила бекаси Курбон Сайфуллаева меҳнат фахрийси. У пенсияда бўлишига қарамай, турмуш ўртоғига фермер хўжалиги юмушларини бажаришга яқин ёрдамчи. Улар 8 нафар фарзанд — 7 ўғил, 1 қизни вояга етказди. Бутун фарзандларнинг барчаси эл хизматида.

Абдурашул САТТОРОВ



Мажбурий тўловларни онлайн режимда тўлаш имконияти яратилади.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

“Ибрат” фильмининг ғояси шундай

КИНОДА НИМАНИ ҚАНДАЙ КўРАЁТГАНИНГ ВА ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛА ОЛИШИНГ МУҲИМ. ЖОРИЙ йилнинг 4 октябрь кунда — БИР ПАЙТЛАР МИЛЛАТИМИЗНИНГ ГУЛТОЖЛАРИ ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН АЙНИ ШУ САНАДА “ИБРАТ” ФИЛЬМИНИНГ НАМОЙИШ ЭТИЛИШИДА ҲАМ БИР ҲИКМАТ БОРДЕК...

Фильмда Исоҳқонтура Ибрат шахсияти актёрлар — Фарҳод Маҳмудов, Саидкомил Умаровнинг ақли, маъноли қараш, юки бор жумлалари орқали очиб берилган. Хусусан, ундаги ҳар бир қаҳрамон фильмга шунчаки кириб қолмаган, уларнинг ўз позицияси, миссияси бор. Фалончи актёр ролининг характери йўқ, нима қилиб ивирисиб юрибди, демайсиз.

Бадий фильмдаги воқеалар алмашиш жараёнини шахмат тахтасидаги ўйинга ўхшатдим. Эшик гийкиллаб очилади-ю, томошабин эътибори икки қаҳрамон билан бирга қоронғу хонага киради. Ракурс гоҳ ёш Ибрат, гоҳ кекса Ибрат ҳаётидаги воқеалар билан алмашиб туради. Наливкин ва Ибратнинг шахмат ўйнаш лавҳаси ва унда Исоҳқон турага Наливкин шахматдаги оқ доналар позициясини бериши бежиз эмас.

XXI аср охири XX аср бошларида Остроумов, Наливкин сингари рус миссионерлари Туркистон ҳаётига маърифат олиб кириш важи замирида ўз ғояларини ҳам сингдиришни ҳаракат қилишган. Бироқ Исоҳқон Ибрат сингари етти тилни билгучи миллат маърифатпарварлари бир тарафдан уларнинг таъсирига тушиб қолмаслик учун дунё кезиб, илм-маърифатни бериш услуби тажрибасини ўрганиб “усули савти”ни жорий қилишган бўлса, иккинчи тарафдан қотиб қолган қарашларга эга, схоластик таълим тизимини хануз эски мактабларда ўқитиб келаётган жоҳил мутаассибларга қарши курашишган. Режиссёр Ибрат тимсолидаги сюжет чизигида шу ҳолатларни очиб бера олган. Унинг Жорж Байронни таржима қилганини тергов жараёнидаги котиба аёлнинг “Ҳатто Байронни ҳам таржима қилган экан-а...” дегучи ҳайрати орқали бериб кетган.

Мусика бетакрор, фильмнинг қандайлиги у бошлангандаги оҳангидан маълум.

Ибратнинг Миср, Искан-

дария, Оренбургда қилган саёҳатларидаги ҳар бир жиҳат ишонарли чиққан (поезд, вагон ошхонаси, типография сотиб олишдаги жараён, вокзал, Миср бозори, чўлдаги балавий қароқчилар ҳужуми).

Тергов жараёнида хонани иситиш учун мусодара қилинган ноёб китобларнинг ёқилганини ҳам айрим манбалардан ўқитганимиз. Бу ҳолат ҳам режиссёр назаридан четда қолмаган, унинг алалоқибати Гейне сўзлари билан қаҳрамон номидан зикр этилган.

Ибратнинг ҳаж сафарига бориши ўрта баҳор фасли билан ифодаланган бўлса, отиш-

ганлиги қаҳратон қишда рамзий ифодаланган. Сайёра Юнусова, Зулхумор Мўминова, Шаҳзода Матчоннова каби актрисалар ижросидаги аёллар қиёфасида миллатимиз аёлларига хос назокат билан уйғунликдаги ўқтамликни кўрамыз. Айниқса, Ибратнинг онаси (Сайёра Юнусова) қизларга дарс ўтаётган ҳолатидаги Жаҳон отин Увайсийнинг “Фарзанди жонномини соғиндим” газали бир тарафдан ўша даврдаги қизлар мактабини ўқитиш жараёнини кўрсатишга жизмат қилган бўлса, иккинчи тарафдан умрининг 11 йили илм-маърифат излаш йўлида дарбадарликда ўтган Исоҳқон Ибратнинг ҳаётига шоирнинг ҳасбу ҳоли оҳанглари мос келаётгандек...

Маҳаллий бой билан Оренбургда кетаётганида бойнинг: “Саволи одам саркашлик қилади”, деган жумласи қатағонга нима сабаб бўлганини яққол кўрсатгандек. Исоҳқон Ибратни отиш учун машинада олиб кетилаётган кўринишдаги майор Мирҳодиев актёр Карим Мирҳодиев ижросида НКВДдаги терговчилар орасида одамийлик мезонларини йўқотмаган шахслар борли-



ғини тўлақонли очиб берган. Икки кунда терговни апил-тапил тутатиб, миллат фидойиси гарданига “миллат хоини” тамғасини олиш вазифа қилиб топширилган майор Ибратни тергов қилиш чоғида шахсияти билан танишади, уни отув ҳукмидан қутқармоқчи бўлади, оқибатда эса ўзи ҳам ўлимга маҳкум бўлади. Тўғри, режиссёр унинг отилишини очик

бойлик топишга эмас, китоб, босмахона сотиб олишга, мактаб очишга сарфлаши унинг Ҳаққа нисбатан эътиқодини кўрсатади. Бу ҳолат ҳатто актёр Фурқат Файзиев ижросидаги бойни ҳам таажжубга солади.

2) Терговчи Мирҳодиев ва комиссар ораллигидаги параллел чизиклар. Бобур Йўлдошев ижро этган комиссар айёр, маккор, тузумга хизмат қилиш йўлида ўзини ўлимдан қутқарган ақин дўстини тузум ғояси йўлида қурбон қилишга ҳам тайёр манфаатпараст шахс. Актёр қаҳрамонининг руҳий қиёфасини истеҳзоли репликаси, айёронга қарашлари билан намоён қилган.

Владимир Наливкиннинг тил, Туркистон музофоти ҳақидаги илмий-оммабоп мақолаларини ўқиган, бироқ шахсиятига қизиқмаган эдим. Фильм орқали тилшунос олимнинг биографияси билан танишиб чиқдим.

Олим, Владимир Наливкин: “қлинаётган ишлардан норозиман, бироқ халқ душмани ҳам бўла олмайман, ҳеч кимнинг менинг ўлимимда айби йўқ...” дея ўз жонига 1918 йилда қасд қилган экан. Фильмда болъшевиклар тузумига ўтиш ҳолати қизил алвон шиорларнинг осилиши орқали кўрсатиб берилган. Рус миссионерлари Остроумовнинг ҳам, Наливкинларнинг ҳам ҳаётий фаолияти, Остроумовнинг Қуръони каримни рус тилига таржима қилишдаги уриниши, Наливкиннинг Наманганга типография олиб келишдаги Ибрат олдида юзага келган тўққинликларни бартараф

этишдаги ёрдами уларнинг рус шовинистлари сифатида эмас, Туркистон халқларининг дунё илмини танишишга озгина бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшаётган кишилар қилиб кўрсатган.

Исоҳқон Ибратнинг санскрит тилини билганлиги, полiglотлиги (7 тилда бемалол суҳбатлаша олган, ёзган) Наливкинга санскрит тилидаги адабиётни туҳфа қилинишида, араб тили ҳамда Қуръони карим тафсирининг билимдони бўлганлигини Николай Остроумовнинг “имконингиз бўлса, Қуръони каримнинг рус тилидаги таржимасини қараб берсангиз” деган нуқт деталарида, тергов жараёни ҳужжатларини ўқиш сюжетларида кўрсатилган.

Саидкомил Умаровнинг Ибратни ва Фарҳод Маҳмудовнинг Ибратни бир нуқта бирлаштириб ягона шахсга айлантирган. Бу икки актёр қиёфасидаги маъноли, теран тафаккургагина ҳос бўлган ўткир нигоҳ, Саидкомил Умаров Ибратнинг биргина фарқи — умри давомида маърифатга қарши жаҳолат курашида доимий зарбалар туфайли до-нишмандона қиёфа касб этган. Шунинг учун ҳам тақдирнинг сўнги зарбаси НКВД томонидан ҳиссага олинишини эътиқодини Ҳақ томонидан наватбадаги имтихони деб қабул қилади. Икки актёр қиёфасидаги қаҳрамон тимсолида илм-маърифат нури сезилади.

Режиссёр Жаҳонгир Қосимовга, умуман “Ибрат” фильмининг барча ижодкорларига томошабинлар учун шундай салмоқли асар тақдим этишга ни боис ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Нигора УМАРОВА,
санъатшунос

Қаҳрамон феъл-атворидаги шунча илми бўла туриб уни бойлик топишга эмас, китоб, босмахона сотиб олишга, мактаб очишга сарфлаши унинг Ҳаққа нисбатан эътиқодини кўрсатади. Бу ҳолат ҳатто Фурқат Файзиев ижросидаги фабрикант бойни ҳам таажжубга солади.

кўрсатмайди, бироқ ўша пайтда ҳарбий трибунал уставини бузган одам халқ душмани жиноятига шерик ҳамда унга ҳам душманларга нисбатан қандай чора кўрилса, шундай чора кўриларди. Китобларни ёқиб човғум қайнатган Мирҳодиев Ибратни қайсида жихатдан тушунали, рафикаси Собира билан кўришишга сўнги бор имкон яратиб беради ва “жиноятга тенг шерик бўлади”.

Фильмда параллел чизиклар ҳам бор: 1) Ибратнинг дунёга илм излаб, ҳам онасини Ҳаж сафарига олиб чиқаётган ҳолатидаги сафарда рафикаси билан хайрлашув, ҳам отувга олиб кетаётган ҳолатидаги видо хайрлашуви. Бирдида элм орқали Худони таниб эътиқодга эришиш бўлса, иккинчиси орқали ҳақиқий ҳақиқат — Ҳаққа этиш йўлининг рамзий маъноси бор.

Қаҳрамон феъл-атворидаги шунча илми бўла туриб уни

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари инспекторининг фаолиятига тўққинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.



Мана, олти ойдики уйқумда ҳаловат йўқ. Биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг шундоққина ёнбошида “Тез тиббий ёрдам” биноси жойлашган. Шифокорлар тинмайди. Тез ёрдам машиналари овозини эшитиб ухлолмайман, ухлаб қолсам, шовқинидан уйғонаман.

...Иллат излаганга иллатдир дунё



Бир куни озиқ-овқат дўконидан навбат кутиб турганим. Биздан кейин тиббиёт ходими ҳам навбатга келиб қўшилди. Ўрнини унга бериб, ўзим орқага ўтдим. Уни кутаётган беморлар кўп. Айниқса, ҳозирги пайтда. Кимнингдир онаси, кимнингдир боласи оғриган...

Хуллас, шифокорнинг навбати келди. Ейишга яримтайёр маҳсулотлардан, ичишга уйқун келтирмайдиган газли ичимликлардан танлади. Албатта, у олаётган нарсаларининг соғлиги учун зарар эканлигини мутахассис сифатида яхши билади. Аммо на илож, вазият шунга тақозо этади. Бемалол овқатланиши учун имкон йўқ, вақти етмайди.

Шифокорларнинг машина ичида ҳам тамадди қилиб кетаверишига кўп кўзимиз тушяпти сўнгги пайтларда. Нима қилсин ахир?!

Дарҳақиқат, улар том маънода буғунимизнинг қаҳрамонларидир. Бунда ҳеч бир муболага йўқ.

Файласуф алибимиз Асқад Мухтор “Тундалиқлар” ида икки маҳбус бир ойнадан ташқарига қараб, бири мусоффо осмонни, бири балчиқни кўрганини ёзади. Демак...

Одатий кунларнинг бирида ишхона томон йўл олдим. Егулик олиш учун шифокор дўконга кирган, шекилли, шофёрнинг кўзи илиниб ухлаётганди.

Шу пайт “103”нинг ёнидан икки йигит ўтаётди, ҳазина топган овардай бир-бирига қараб ишшайдилар-да:

— Қара эрталабдан ухлаётганини! — дедилар. — Давлат шунча пул берса-ю, буларни ётишини қарейла!

Йигитлардан бирови шоша-пиша телефонини олиб:

— Давай, шунга сёмка кўп, фейсбукка тарқатворамиз! — деди янги Америка кашф қилган жўғрофия олими каби қувониб...

Шошаётганим учун воқеанинг давомини кузатолмадим. Ўтиб кетдим.

Бироқ ишхонага етиб келиб, интернетга киргач, кўрдимки,

бироз олдинги ҳолат нафақат “Фейсбук”да, балки бошқа ижтимоий тармоқларда ҳам кезиб юрипти. Ҳар ким ўз савиясидан келиб чиқиб фикр ёзаяпти. Муносабатбозлар орасида лаянатлаб қаргаганлари ҳам бор...

Менинг “Тез ёрдам”да бирор танишим ишламайди, лекин меҳнатларини кўриб турибман, ярим туниги шовқинларини, саҳарлаб машиналарини қандай ювишларини, дезинфекция қилишларини, машиналарнинг бири чиқиб-бири кираркан, уларда қандай ҳорғин нигоҳлар оламга, одамга қандайин инсондўстлик муносабати билан боқаятганини кўриб, билиб, эшитиб ва кузатиб турибман. Туну кун навбатма-навбат ёрдамга шошадилар. Баъзан йигирмага яқин хизмат машиналари ҳам камлик қилади. Энди айтинг-чи, улар қачон, қерда ухлайди? Сўнгги олти ой мобайнида қачон тўйиб иссиқ овқат еганини ҳам эслолмас керак. Олти ойдан буён сокин уйку ҳақида уйламай ҳам қўйишгандир.

Яхшиси, кўзимиз тушган нарсадан иллат қиливермайлик. Танқид қилиш осон. Уларнинг ўрнида бўлиш оғир, кўринмас ёв билан курашиш эса ҳар қандай жангдан минг қарра оғирроқдир. Модомики, ёрдам бериш қўлимиздан келмас экан, келинг, ҳеч бўлмаса, ёрдам бераётганларга халаб бермайлик, кўнглини оғритиб, қўлини ишдан совутмайлик. Ҳар бир замонни тутиб тургувчи устунлари — кўтлари бўлгани сингари, эҳтимол, ҳозирги кунимизнинг кўтби замонлари ўша оқ либос ичида оқ кўнгли эгаларидир. Яна ким билади дейсиз. Бироқ лоақал алқашни, сўз билан кўмаклашишни ўрнига қўйилик, ҳеч бўлмаганда, улар ҳақида ҳадеб ёмон хаёлларга боравермайлик. “Тундалиқлар”да ёзилганидек, нигоҳларимизни тозалайлик!

Шоҳсанам НИШОНОВА

Муаммо кўп,

ечими ўз қўлимизда

Сирдарё вилоятидаги 325 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кўп қаватли уй-жойларни электр таъминоти иссиқлик тизимининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида “Ўз-энергоинспекция” ҳамда ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар давомида бир қатор камчиликлар аниқланди.



Мазкур ўрганишларга кўра, вилоятдаги 85 та ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича иссиқлик тармоқлари, иситиш қозонлари, электр тақсимлаш қурилмалари ҳамда кўмир ёқилгисини сақлаш омборхоналари бўйича қатор камчиликлар аниқланди.

Хусусан, Сайхунобод тумани Паймард МФЙ ҳудудидаги 16-сонли умумтаълим мактабида электр хўжалигига жавобгар шахс буйруқ билан тайинланмаган, 0,4 кВ шит эшикларни қулуflanмаган, 0,4 кВ тақсимлаш қурилмасидаги симлар учликларсиз бура-

Худди шундай ҳолатларни Оқолтин тумани ҳудудидаги 7 сонли умумтаълим мактабида ҳам учратиш мумкин. 0,4 кВ бош тақсимлаш қурилмасининг эшиги қулуflanмаган,

Ўрганишлар натижасида юқоридаги электр қурилмалари ҳамда иситиш тизимидаги қониқарсиз техник ҳолатлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича “Ўз-энергоинспекция” ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди ҳамда бажарилиши назоратга олинди.

атрофи очик, оғоҳлантириш белгилари чизилмаган, 0,4 кВ бош тақсимлаш қурилмасида ПН-04 кВ сақлагичлари куйган ўрнига қўлбола сим (жучок) ўрнатилган чанг ва исдан тозаланмаган, 0,4 кВ шиналари алоҳида ажралиб турувчи рангларга бўялмаган ҳолатда. Иссиқлик трассаси изоляцияси яроқсиз, кўмир сақлаш омборида кўмир ёқилгиси ҳар хил чиқиндилар билан устма-уст тахланган.

Оқолтин тумани “Андижон” МФЙ ҳудудидаги “Андижон ҚВПда электр

ускуналар навбатдаги электротехник лаборатория синовларидан ўтказилмаган, электр тақсимлаш шитида профилактик тозалаш ишлари бажарилмаган. Бош электр тақсимлаш шкафи ва тақсимлаш шитлари эшигида механик қулф ўрнатилмаган бўлиб, тақсимлаш шитида хавфсизлик белгилари, кабель ва проводлар тартибсиз равишда учликларсиз бурама усулда уланган. Шунингдек, электр шкафларда электр таъминотининг бир чизиқли схемалари мавжуд эмас. Кўмир сақлаш омбори эшик ва ойналари ёпилмаган, кўмирхона ҳар хил турдаги чиқиндилардан тозаланмаган. Худди шу каби ҳолат Оқолтин тумани “У.Носир” ҚВПда ҳам учради.

Мазкур ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давомида Мирзаобод туманидаги тез тиббиёт ёрдам бўлими, Сирдарё вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази, Боёвут туманидаги 19 сонли Мактабгача таълим ташкоти, Боёвут тумани ҳудудидаги 27 сонли умумтаълим мактаби, Оқолтин туманидаги касб-хўна мактаби, Боёвут туманидаги 28 сонли МТТнинг бош тақсимлаш қурилмасида профилактика ишлари бажарилмаган. Электр тақсимлаш шкафига ҳеч бир оғоҳлантирувчи ёзувлар қайд этилмаган. Электр шкафларда электр таъминотининг бир чизиқли схемалари ҳам мавжуд эмас. Шитдаги ПН

сақлагичлар ўрнида қўлбола сим (жучок) ўрнатилган ва изоляция ҳам қилинмаган.

Ўрганишлар натижасида юқоридаги электр қурилмалари ҳамда иситиш тизимидаги қониқарсиз техник ҳолатлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича “Ўз-энергоинспекция” ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди ҳамда бажарилиши назоратга олинди.

Юқорида аниқланган камчиликлар бажарилмаслиги оқибатида энергетик тизимида авария ва бахтсиз ҳодисалар келиб чиқишини эслан чиқармаслигимиз шарт.

**“Ўз-энергоинспекция”
Матбуот хизмати.**

Пўлатова Дилдора Эргаш қизига Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110 сонли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб томонидан берилган УМ-К № 0002396 аттестат йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЛПОЕ

Оила кодексига кўп болали оила тушунчаси киритилди.





Одам бозори

Ўша пайтлари олти ёки етти ёш эдим. Онам боғлам-боғлам қилиб берган саримсоқ пиёзларни, кашничларни қишлоғимиз бўйлаб сотиб келардим. Қишлоқ одамлари ҳам анойилардан эмас. Айниқса, кашнични айтган нархимнинг ярмига олмагунча, кўнгиллари жойига тушмасди.

“Полвон, икки боғ қўшиб беринг”, деб ҳам айтишарди. Бир соатлар атрофида сотувчиликни қойил қилиб, уйга қайтардим. Қанчалик арзон сотсам-да, уйдагиларим уршмас эди. Аммо онаминг меҳнатига ачинардим. Ахир, саримсоқларни сотадиган ҳолга келтиргунча қанча меҳнат қилинади-ю, қанча тер тўкилади. Шу сабабли, тортишиб бўлса ҳам онам тайинлаган нархга сотаман, деб туриб олардим. Болалигимнинг ўша қувнок, эсда қоларли дамларини ёдга олсам, кудлим келади. Маматқул бува-нинг ярамас кўплагидан зўрға қочиб кутилганим, хаёл билан бўлиб, велосипедимни дарахтга уриб олганим, сув ичиб олганимча синфдошим Боймуроднинг буюғи кашничларимни еб қўйгани... Эҳҳе, бу каби воқеаларни ёсам, битта китоб камлик қилса керак. Аммо сотувчиликни дурустгина ёзган эканман.

Менимча, умри давомида ҳар ким бир марта бўлса ҳам сотувчилик қилса керак. Кимдир синфдошларига, кимдир яқинларига, кимдир етти ёт бегоналарга нимадир сотган бўлиши мумкин. Мен ҳаётни бир бозор деб билардим. Бу бозорда яхшилик қилиб, эвазига савоб олади-ганлар ҳам, ёмонлик қилиб, жуда арзонга кўпгина гуноҳларга эга чиқадиганлар ҳам бор. Уларнинг сони ўйлаганимдан анчагина кўп, албатта. Лекин, қачондир одам бозори ҳақида эшитганимиз? Одамлар сотилганидан, сотиб олинганлардан, чақалоқлар пулланадиган бозор бор-ку... у шу яқин атрофда жойлашган. Фақат бу бозорнинг сирли жиҳати шуки, кўзга кўринмайди.

Замоннинг зайлини қаранг, одам бозорини кўзимиз билан кўрмасак ҳам сотиб олаётган, сотаётганларни гоҳи-гоҳида учратиш қоламиз. ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали “Ўз фарзандини пулламоқчи бўлган она қўлга олинди”, “Чет элга сотилаёт-

ган қизлар сўнги дақиқаларда қутқариб қолинди” сингари хабарлар тез-тез кулоғимизга чапиниб туради. Тўғриси айтганда, бундай хабарларга ўрганиб ҳам қолдик. Эшитасак, парвойимизга ҳам келмайди. Эътибор ҳам бермаймиз. Қандай яхши, ҳеч нарсага эътибор бермасдан, дунёни сув босса, ўрдакка не нам, деб яшаш.

Аммо қачонгача бундай яшай оламиз? Яна қанча аср давом этади бу номаъқулчиликлар? Биринчи синфлик пайтимда радиодан “Одам савдосидан эҳтиёт бўлинг”, деган хабарни эшитганим. Орадан ўн бир йил ўтибди. Бугун ҳам шу хабарни эшитяпман. Демак, ўн бир йил давомида илдири кўпорилмаган иллат қон-қонимизга сингишга улурибди-да...

Одам савдоси. Шу сўз бирикмасини эшитганимда бошқача бўлиб кетаман. Тўғри, мол сотилади, етиштирилган полиз экинлари сотилади, мева-чевалар сотилади, уй ва машина сотилади. Лекин одам сотиш... Очиги, бу ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам қалбимни тирнайди. Бундай қабихликка маънавий дунёси ўта қашшоқ бўлиб, ҳақ билан ноҳақни ажрата олмайдиган, тўғри тарбия кўрмаган, оилавий муҳитда но-созлом ўсган, яшашни еб-ичиши ва яхши кийинишдан иборат деб биладиган, одамийликдан асар ҳам қолмаган, қилғилликни қилиб қўйиб, “ҳаёт мажбур қилди, шайтон йўлдан урди”, деб айбни бошқаларга тўнкайдиган бирорларимиз, қариндошларимиз қўлуришади. Ҳа, жуда тўғри ўқидингиз. Аслида улар яқин атрофимиздаги биз билган, таниган инсонларимиз ҳисобланганлар. Қайсидир спортчи жаҳон чемпиони бўлса, “Бизнинг ука-да, бизнинг қариндош-да, бизнинг миллатдош-да”, деб фахрланишни қойил қиламиз-ку. Кейингиз, одам сотаётганлар, ўз фарзандини пуллаётганлар ҳам

“Бизнинг миллатдошларимиз, бизнинг қариндошларимиз” бўлишади. Ҳамма нарса оилада қўрилган тарбияга боғлиқ. Бу тан олинган ва тан олишга мажбур бўлган ҳақиқатимиз. Савдий Шерозийнинг тарбия ҳақидаги бир тўғрлиги эсимга тушди:

Минбаринг пойида турса ҳам эшак, Тарбия юкмайди, бўлмади одам. Тарбия кўрмайин улғайса киши, Эшак бўлиб қолар юзга кирса ҳам.

Болалигингизда “ҳайвонга ўхшаш”, деган танбехни балки эшитгандирсиз, балки йўқ. Аммо мен эшитганман. Қадрдоним, бор ақлингиз, салоҳиятингиз, илмингиз билан айтингчи, ситиринг ўз буюғини, отнинг ўз тойчоғини, туянинг ўз бўталогини, эчкининг ўз улоғини, қўйнинг ўз кўзисини сотганини, бирон бир манфаат йўлида пуллаганини эшитганимиз? Ҳозир ёганларимни ўқиб туриб, ҳайвонларнинг бундай ишларни қилишга ақли етмайди-ку, деб ўлаётгандирсиз. Жуда тўғри, уларда ақл йўқ. Лекин нега бизлар ақли бўла туриб, тасаввур ва таваққул оламига эга шаш бўлиб, одам сотишдек номаъқул ишга қўл

уряпмиз? Бу саволга жавоб топиш мушкул эмас. Жавоби шуки, бефарқмиз, ўта-ўта бефарқмиз. Оталар ишдан келгач телевизор кўришдан ортмаса, оналар телефонда соатлаб суҳбатлашишдан бўшамаса... Балки, бугун ана шундай оилаларда тарбияланаётган фарзандлардан эртага одам савдоси билан шуғулланишга кўпчиликни “ортда” қолдирилган мугомбирлар етишиб чиқар. Ўзи асрасин!

Бу каби иллатларнинг олдини олиш учун виждонимизни тезроқ уйғотишимиз керак. Юртимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича тинимсиз ҳаракатлар қилинмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан одамийликка тўғри келмайдиган савдо билан шуғулланадиганларни қабилқилан қайтариш учун туну кун меҳнат қилинмоқда. Айна савдоси пишган жойида ушланаётган ва телевидение қаршида ёш тўкиб, “алашдим”дан бошқасига

ўтмайдиган устасифаранлар яхшиямки, ўз вақтида қўлга олин-япти. Йўқса, уларнинг касрига беғуноҳ чақалоқлар, куч-қувватли йилгилар, боқира қизлар азият чекишарди. Мактаб остонасидан ўтиб, эндигина катта ҳаётта қалам қўяётган ёш сифатида одам савдосига — виждон савдосига, йўмон ва диёнат савдосига мутлақо қаршиман.

Битта нарсага ачинаман. Ҳаётда бўш бешикка қараб туну кун ёш тўкадиган аёллар бор. Ўзимнинг аяжоним ҳам ўн уч йил фарзанд кўрмаган экан. Ана шундай мунис ва Яратганининг синовида синалаётган аёллар олдида ўз фарзандини қайсидир манфаат йўлида сотаётганларни она деб бўладими? Молдият учун маънавийдан кечиб, ўз бироларини, ўз миллатдошини, ўз ватандошини сотмоқчи бўлганларни инсон деб бўладими? Йўқ, албатта. Битта ҳақиқат бор. Одам савдоси билан одамлар шуғулланмайди. Уларга улардан яхши бўлган ҳайвон сифатини ҳам бериб бўлмайди. Улар аросатда қолганлар ҳисобланади. Аросатдагилар ҳақида ортқ фикр билдира олмайман. Фақат яна ва яна бир нарсани илтимос қиламан. Виждонимизни уйғотайлик...

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси

Фуқаролиги борми, йўқми, инсон манфаати устун!

Хабарингиз бор, мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми борасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласи муҳокама марказида бўлиб келаётган эди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилишида “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўйиб чиқилди. Ва айтиш керакки, 38 та моддалан иборат қонун лойиҳасида шу кунгача кўпчиликни қизиктириб келаётган сиёсий бошпана беришдан тортиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг юртимиздаги асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари аниқ нормаларда акс эттирилмоқда.

Тўғри, илгари ҳам бу соҳада бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари мавжуд эди. Энди буларнинг ҳаммаси яхлит қонун шаклига келтирилмоқда. Яъни чет эл фуқароси қайсидир

давлатга бормоқчи ёки у ерга сармоя киритмоқчи бўлса, ўзининг қонун томондан қанчалик ҳимояланганини билишни истайди. Бу қонун чуқур таҳлил ва муҳокамадан сўнг пишиқ-пухта шаклда кучга кирса, чет эл фуқаролари юртимизда қайси ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги қайсилари мумкин эмаслигини ягона ҳужжатдан билиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Яна бир гап. Мазкур қонун лойиҳасида юқори малакали мутахассис, малакали мутахассис каби бандлар киритилиб, уларга аниқ таъриф ва тавсиф берилмоқда. Бу ҳорижда турли соҳаларда ишлаётган ўзбекистонлик мутахассисларни Ватанимизга қайтаришга ҳуқуқий асос яратилаётган дегани. Мисол учун, тиббиёт соҳасини ақлайлик. Бугун моҳир, ўз

касбининг билимдонни, малакали шифокорлар ривожланган давлатларда фаолият олиб борапти. Маълум давр бўлдики, кўплаб малакали шифокорлар таъбир жой бўлса, олтин фуқарон хорижга чиқиб кетди. Чунки уларнинг меҳнати муносиб рағбатланганди. Бунининкор этга олаймиз. Лекин янги Ўзбекистоннинг янги тарихида бу масала барчамиз кутганимиздек, бошқача кўриниш олади. Президентимиз томонидан чет элдаги мутахассисларни юртимизга таклиф этиш, уларга яшаш ва ишлаш учун муносиб шароит яратиш, ўз салоҳиятини шу юрт равнақи учун сафарбар этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни яхлит ҳолда қабул қилиш ҳаёт талабидир. Зеро, фуқаролиги ёки фуқаросизлигидан қатъий назар инсон ва унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар қачон, ҳар нарсалдан устундир.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

ЖАМИЯТ
Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ
Тахрир хайъати:
Рустам Қомилтов
Борий Алихонов
Акmal Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Атқам Ҳайитов
Адхам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1052.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Бахоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Еқубова
Дизайнер: Бегайи Шонқулпов
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎА яқини:
Топширилган вақти: 15:45
1 2 3 4 5 6



Электр энергиясини ҳисоблаш янгича принципда амалга оширилади.

Муштарийлари-миздан бири шундай савол билан мурожаат қилган эди. Бундай мазмунда берилган саволларнинг кўпчилигида "Ўзимизда иқтисодий муаммолар тикилиб ётганда, нега афгонларга темир йўл қуриб берамиз?" дегандай нимкоса маъноси ҳам бўлади.

Ҳамма билгани учун Афғонистонда тинчлик бўлиши Ўзбекистон учун ҳаётий зарурат эканлиги ва "Кўшнинг тинч, сен тинч" деган мақолда айтилганидай кўшни давлатда уруш бўлса, Ўзбекистон ҳеч қачон тинч ҳўлай олмастлигига тўхталиб ўтирмасдан мақсадга ўтаман.

Ўзбекистон нега Афғонистонда темир йўл қуради ва бундан бизга нима фойда ёки зарар? Бошидан айтиб қўя қолай, бундан бизга ҳар томонлама фойда бўлади ва деярли зарар бўлмайди.

Сиёсий фойда:

Афғонистонда қандай сиёсий тараф бўлишдан қатъий назар (ҳукумат, Толибонлар, маҳаллий кланлар) ҳар қандай чет эллик давлатларнинг ўз юртига келишига ёмон кўз билан қарайди. Чунки Ғарб, Россия, Хитой ва ҳатто, ён қўшнилари Покистон ва Ҳиндистон у ерга ҳарбий мақсадлар ва сиёсий амбициялар билан боради.

Ўзбекистон Афғонистонда темир йўл қуради. Нега?

Ўзбекистон эса у ерга фаровонлик истаб, иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар билан кириб бораётганлигини Афғонистондаги барча сиёсий кучлар, ҳатто, Толибонлар хуш қабул қилмоқда ва тинчлик музокаларида Ўзбекистонни ишончли воситачи деб билмоқдалар. Бу Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида ўзаро ишонч ҳамда сиёсий дўстликни мустақкамлашга ва жанубдан келадиган айрим балоларни аритишга хизмат қилади.

Иқтисодий фойда:

Ўзбекистон Афғонистонда қураётган темир йўл замонавий иқтисодиётдаги ривожланган ва таянч давлатлар юритаётган ақлли схема орқали амалга оширилмоқда. Ҳали Ўзбекистон ҳеч бир давлатда йирик ва узоқ муддатли иқтисодий лойиҳаларга инвестиция киритмаган эди. Аксинча, Ўзбекистон бошқа давлатлар ўзига келиб, бир нарсалар қуриб беришларини кутадиغان ва бунинг учун уларга "ноннинг ярми"ни улашишга мажбур бўлган давлатлардан бири эди.

Афғонистон мисолида Ўзбекистон инвестиция киритувчи, шу орқали Афғонистон темир йўллари тизимини



яратувчи, узоқ йиллар давомида бошқарувчи ва асосийси иқтисодий фойда олувчи ҳисобланади. Бу ишни бошқа бир давлат қилиши ва фойдани қўлга киритиши ҳам мумкин эди, аммо буни Ўзбекистон уддалади.

Геостратегик фойда:

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат бўлгани билан жаҳон геосиёсий саҳнасида ўз ўрнига эга давлат ҳисобланмайди. Яъни биз кичкина давлатмиз ва бизнинг манфаатларимиз ўз миллий ҳудудимиздан ташқарига чиқмайди ҳисоб. Ваҳоланки географик

жиҳатдан ҳудудларимиз бошқа давлатлар билан ўралганлиги учун бизнинг манфаатларимизнинг тақдири ҳудудларимиздан ташқаридаги давлатларга боғлиқдир. Шундай бўлгач, Афғонистондаги темир йўллари биз қургач ва назорат қилгач, бизнинг Афғонистон орқали жанубга чиқиш имкониятларимиз бизнинг қўлимизда бўлади. Асосийси, афғон сиёсий кучлари бу ролни америкаликлар, руслар ёки хитойликларга эмас, айнан бизга ишонмоқда.

Ижтимоий фойда:

Афғонистонда тинчлик ўрнатилишининг асосий шартларидан бири, бу у ерда иқтисодий фаровонлик бўлиши ва инсонларнинг ҳаёт даражаларининг кўтарилиши, уларнинг таълим олишлари, соғлом бўлишлари ва истеъмол қилишларидир. Агар афғонларда ҳаёт яхшиланса, бу Ўзбекистонга ҳар томонлама имкониятларни очади.

Энди энг асосий масала. Бу Ўзбекистонга қанчага тушади ва бундан ўзбек халқи зарар кўрадилми?

Йўқ! Бу Афғонистондаги иқтисодий фаровонлик учун жаҳон ҳамжамияти ажратган ёрдам маблағлари ва фойдали кредитлар ҳисобига амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Афғонистонда темир йўл қуришини ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди.

Дониёр РЎЗМЕТОВ

“Миллат ифтихорини болалиқдан ҳис этсин!”

Давлатимиз раҳбари БМТнинг 75 сессиясида ўзбек тилида маъруза қилгани қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Демак, она тилимиз жаҳон минбарига мардонавор, баралла жаранглади. Янги-янги ташаббус ва таклифларнинг ўзбек тилида ифода этилгани жаҳон жамоатчилигининг диққат эътиборини янада ошириб юборди. Ахир, бундай дамларда ўзини ўзбек миллатининг фарзандиман деган инсон, албатта, фахрланади, ғурурланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги миллий тилимиз халқимизнинг бутун тарихи давомида шаклланиб, бойиб борган. Айниқса, иккинчи Ренессанс даврида, яъни XV-XVI асрларда кескин ривожлана бошлади. Она тилимизнинг тараққиётида ҳеч бир шубҳасиз улуг мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳиссаси беқиёс. Бобомиз тилга ихтиёрсизлик элга эътиборсизликдан келиб чиқади, дея

фиқр юритган. Шу сабабдан ҳозир ҳам тилга ихтиёрсиз одамлар турли соҳаларда учраб туради. Маълумки, барча тарихий воқеалар одамлар иштирокида пайдо бўлади. Тарихни эса сўзсиз одамлар ва халқлар яратади. Одамлар ва халқлар эса тарихга оид хотира, билим, ҳис-туйғу ва фикрларини тил ёрдамида авлоддан-авлодга етказиладар.

Дунё тарихига бир назар ташласангиз англайсизки, қайси мамлакатда тил дав-

лат тилига айланган бўлса, ўша тилда бадиий ва тарихий асарлар яратилган бўлса, ўша жойда тараққиёт, ривожланиш бўлган. Чунки улар ўзларининг энг сара асарларини миллий тилда ўз халқига сингдира олган. Афсуски, мустабид тузум даврида ўзбек тилига, она тилимизнинг ривожланишига бошқача кўз билан қараб келинди. Мажлисларда, йиғилишларда рус тилида сўзлашга мажбур қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга айланиб қолди.

Шукрки, елкамизга шамол тегиб, Мустақилликка, Истиқлолга эришдик. Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олишига муваффақ бўлдик. Эндиликда барча иш ҳужжатлари, ўзаро битим ва ёзишмалар ўзбек тилида юритилади-дан бўлди. Айниқса, яқинда бир қарорнинг йўлга қўйилгани жуда тўғри иш бўлибди. Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилмоқчи бўлган шахс маълум даражада давлат тилини билиши шарт қилиб белгиланди. Тўғри, давлат фуқароси бўладиган инсон давлат тилини ҳам билиши керак-да!

Буларнинг барчаси яхши, албатта. Аммо ўзимиз юз фоиз давлат тили талабларига, давлат тили тўғрисидаги қонун



ва қондаларга риоя этилмайми? Камчилик ва нуқсонлар йўқми? Бор, албатта. Тилимиз соғлиги, ўзбек тилининг равнақи йўлида биргаликда курашишимизни, давлат тилига ҳурмат ва эътиборда бўлишни баъзида унутиб қўймоқдамиз. Биргина дўконлар пештахталаридаги, реклама ва эълонлардаги гализ ва чаласаводларча ифодаланган ёзувларни кўриб хунобингиз ошади. Наҳотки, буларни тўғрилаб, имло хатосисиз ёзиб қўйишнинг иложи бўлмаса? Бунинг учун жойлардаги Атамалар комиссияси, тегишли мутасаддилар фаолроқ иш олиб боришлари зарур деб ўйлайман.

Аслида тилга бўлган эътиқодни, меҳрни бир соғина ҳам бўшаширмаслик керак. Ўзбек тили саводхонлигини, давлат тилига ҳурмат ва эътиборни болалар боғчасидан бошлаш керак. Мактабгача тарбия муассасаларида, энг аввало, боланинг ўзбек тилида сўзлаш малакасини, нутқи-

нинг тўғри ривожланишини алоҳида эътиборга олиш, шеър ва эртақларни тинглаганда ва шу асосда қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини, воқеа-ҳодисаларни тасаввур доирасида раво сўзлашга ўргатиш тарбиячиларнинг муҳим вазифасига айланиши керак.

Ўзбек тили чин маънода бизнинг маънавий мулкимиз, маънавий бойлигимиз. Фарзандларимизни, жажжи болажонларимизни она тилимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайлик. Тилимизнинг жозибасини, сиру-синоатини улар кичик ёшдан бошлаб тўлақонли ҳис эта билсин. Энг муҳими, тил миллатнинг фахри, гурури, ифтихори эканлигини улар онгига сингдира билалдик.

Абдуҳаким ҲАМРОЕВ,
Оҳангарон шаҳар Мактабгача таълим бўлими раҳбари

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Жамият - ислоҳотлар ташаббускори" Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



Соғлиқни сақлаш ходимларига кўп йиллик меҳнати учун устама тўланади.